LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

LIMITED LIABILITY COMPANY «TTT-AUDIT» (JPA INTERNATIONAL)

5 office Yangiobod street. Fergana. Uzbekistan. 150100.
Tel. (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (95) 400-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru
The license AF № 00773 issued by Ministry of Finance from 2019.04.05.

# АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

**Ижобий фикр билдирилган**

Хулоса санаси. **10 апрел 2020 й**

**"QO'QONNEFTGAZPARMALASHISHLARI» АЖ**
**акциядорлари ва кузатув кенгашига**

Манзил: **"QO'QONNEFTGAZPARMALASHISHLARI»** АЖ. Қўқон шахар Истиқлол кўчаси 63 уй. Узсаноатқурилиш банк Қўқон филиали. х/р 20210 000 200 531 963 001. МФО 00531. ИНН 200 138 212. ОКЭД 43130 . тел. (73) 542 33 74.

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» (JPA INTERNATIONAL) аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шахри Янгиобод-5 уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208 000 100 921 886 001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00773-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош аудитори **Хожиакборов С.Г** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05468 11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **"QO'QONNEFTGAZPARMALASHISHLARI" акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, хисобот шаклларидан иборат бўлган 2019 йил 01 январидан-2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"QO'QONNEFTGAZPARMALASHISHLARI» акциядорлик жамиятининг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга



Сканировано с CamScan

эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган **"QO'QONNEFTGAZPARMALASHISHLARI» акциядорлик жамиятининг** 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

**Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилот бош директори бош аудитор. САР** — **Ботиров М Х**

**Бош Аудитор** — **Хожиакборов С Г**

*Аудитор малака сертификати № 05052*
*25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*

Сканировано с CamScanner